

***"ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ"***

Д.Саттаров

РЕЖА:

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тизимнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. БМТнинг шартномавий органлари – инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш тизимининг асосий механизми сифатида.
3. БМТ шартномавий органларининг мақсад ва вазифалари.
4. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ шартномавий органларининг ўзаро ҳамкорлиги.

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг асосий шартномалари

- 1966 йилги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт
- 1966 йилги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт
- 1966 йилги “Ирқий камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция
- 1979 йилги “Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция
- 1984 йилги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматини камситувчи турларига қарши кураш тўғрисида”ги конвенция
- 1989 йилги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт

- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган.
- 1976 йил 23 мартда 35 та давлат томонидан ратификация қилиниб, кучга кирган.
- Ҳозирги пайтда ушбу Пактни 130 дан ортиқ давлатлар тан олган.
- Ўзбекистон Республикаси ушбу Пактга 1995 йил 31 августда қўшилган.
- “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактга 1-Факультатив протокол.

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг вазифалари

- Пактда инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган қоидаларнинг бажарилиши бўйича иштирокчи давлатларнинг Миллий маърузаларини кўриб чиқади.
- Миллий маърузалардан келиб чиқиб, иштирокчи давлатларга Пакт қоидаларини қандай талқин этиш ва қўллаш юзасидан умумий тартибдаги тавсиялар ишлаб чиқади.
- Бир давлатдан бошқа бир давлат томонидан Пакт қоидалари бажарилмаётганлиги ёки лозим даражада бажарилмаётганлиги ҳақидаги ахборотларни олади.
- Алоҳида шахсларнинг Пактда кафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақида тақдим этилган шикоятларини кўриб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси иш жараёнида



Инсон ҳуқуқлари қўмитасига ким мурожаат қилиши мумкин?

- 1) Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини бузган давлатга нисбатан ҳар қандай шахс томонидан.
- 2) Ёзма келишув асосида Пактда кафолатланган ҳуқуқлари бузилган шахс номидан бошқа бир шахс томонидан.
- 3) Ҳуқуқи бузилган шахснинг вакили томонидан.

Ишнинг тааллуқлиги

- Қўмимага шикоят билан мурожаат қилишда қуйидагилар исботланиши шарт:
- Иштирокчи давлат томонидан қўмига ваколатининг эътироф этилганлиги.
- Шахс ҳуқуқбузарлик жабрланувчиси бўлиши.
- Давлат томонидан Пактда кафолатланган ҳуқуқлар бузилган бўлиши.
- Шикоят далиллар билан асосланган бўлиши.
- Давлат ҳудудида амалда бўлган барча ҳимоя воситаларидан тегишли тартибда фойдаланилган бўлиши.
- Шикоят билан мурожаат қилишда уни тақдим этиш ва кўриб чиқиш талабларига қатъий риоя қилинган бўлиши.
- Шикоят бошқа халқаро қўмиталарга тақдим этилмаган ва кўриб чиқилмаётган бўлиши керак.

Шикоят мазмуни

- Шикоят берган шахс ҳақида маълумотлар
- Пакт моддасини бузган давлат
- Ички ҳимоя воситаларидан тўла фойдаланилганлиги
- Фактик ҳолатлар
- Илова қилинаётган ҳужжатлар

- МАЪРУЗА ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР